

**«Тошкент қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори»
акциядорлик жамияти Кузатув Кенгашининг
МАЖЛИС БАЁНИ**

2022 йил 1 апрел

Тошкент шаҳри
14-00

Кузатув кенгаши аъзолари:

М.Абдурахмонов -	“Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК Бош директори
М.Ирматов-	“Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК ижрочи директори
Р.Раззоков-	“Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК Бош директорининг ўринбосари
Д.Ганиев—	“Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК “Дехқон бозорлари департаменти” бошлиғи ўринбосари
Т.Камолов —	“Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бош мутахассиси

Мажлисга таклиф этилганлар:

Ш.Рафиқов	Жамият директорининг биринчи ўринбосари
Д.Каримов	Жамият бош мухосиби
И.Абдурахмонова	Жамият қимматли қўғозлар мутахассиси

Мажлисга М.Ирматов раислиқ қилди.

Мажлис раиси кворум 100% кворум борлигини инобатга олган ҳолда
мажлисни очиқ деб эълон қилди.

МАЖЛИС КУН ТАРТИБИ:

- 1. Жамият Кузатув кенгаши раисини сайлаш ҳақида.*
- 2. Жамиятга раҳбар тайинлаш ҳақида.*

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан мажлис раиси М.Ирматов сўзга чиқиб, 2022 йил 1 апрелдаги акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан жамиятга янги таркибда Кузатув кенгаши аъзолари сайланганлиги муносабати билан кенгаш аъзолари ўртасидан Кенгаш раисини сайлаб олиш лозимлигини билдирди.

Ушбу масала муҳокама этилди ва кенгаш аъзолари томонидан бир овоздан М.Абдурахманов кенгаш раислигига сайланиши маъқулланди.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича М.Абдурахманов тушунтириш бериб, жамият акциядорларининг мажлисида жамиятга раҳбар сайланиши масаласи тасдиқланмаганлиги боис, жамиятда режалаштирилган

вазифаларни бажариш мақсадида жамият ижроия органига раҳбар тайинлаш лозимлигини таъкидлади.

Кенгаш аъзолари ушбу масалани кўриб чиқишди ва билдирилган таклифлардан келиб чиқиб, бугунги кунда жамият директорининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаётган, соҳа бўйича тажрибага эга бўлган Рафиқов Шерзод Хикматуллаевични жамият директори вазифасини бажарувчи этиб тайинланишини маъқуллашди.

Кун тартибида муҳокама этилган масала юзасидан

Қ А Р О Р Қ И Л Д И

1. “Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори” АЖ Кузатув кенгаши раиси этиб, 2022 йил 1 апрелдан М.Абдурахманов сайлансин;

2. Жамият акциядорларининг 2022 йил 1 апрелдаги умумий йиғилишида жамиятга раҳбар сайланиши масаласи ҳал этилмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Жамият директорининг биринчи ўринбосари Рафиқов Шерзод Хикматуллаевич 2022 йил 1 апрелдан жамият директори вазифасини бажарувчи этиб тайинлансин.

4. Ш.Рафиқовга жамият ишини Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ юритиш вазифаси юклатилсин.

Мажлис раиси



М.Ирматов

Кузатув Кенгаши аъзолари:



М.Абдурахманов



А.Раззақов



Д.Ганиев



Т.Камолов

Баённи олиб борди



И.Урунбоев